

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

4-Мавзу. “Хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини такомиллаштириш”

**мавзусидаги маъруза бўйича
ТАҚДИМОТ**

**Маърузачи: ТДИУ
“Макроиқтисодиёт” кафедраси
профессори, и.ф.д Беркинов Б.Б**

Тошкент - 2018 й



«Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш.»

***Мирзиёев Ш.М.
«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича
ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармони***

- **Хусусий мулк –иқтисодий рақобатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч.**
- **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишни, янги иш ўринларини яратишнинг самарали механизмлари ҳисобланади.**

Институционал иқтисодиёт – иқтисодий назария ва ҳўжалик амалиёти муаммоларини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганувчи замонавий фикрларнинг илмий йўналишларидан биридир.


Т.Веблен институтларни қуйидагича таърифлаган: “**Институтлар** – бу инсонлар уларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи”

Ж.Ходжсоннинг таърифлашича, “**Институтлар** – анъана, урф-одат ёки қонунчилик чеклови орқали узок муддатли ва барқарор ҳулқ-атвор намуналарининг яратилишига олиб келувчи ижтимоий ташкилот”.

Институт – жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади.

Норма – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади.

Институт таркиби




Институционал назариянинг асосий йўналишлари

- ✓ Мулк ҳуқуқи назарияси (Р.Коуз; А.Алчиан; Г.Демсец; Р.Познер ва б.)
- ✓ Трансакция харажатлари назарияси (Р.Коуз; О.Уильямсон; Д.Норт ва б.)
- ✓ Фирма назарияси (иқтисодий ташкилот назарияси) А.Алчиан ва Г.Демсец; С.Чунг; О.Уильямсон; Ю.Фама
- ✓ Корупция, хуфёна ва норасмий иқтисодиётнинг институционал жиҳатлари (Э.Крюгер, Ж.Стиглер; Э. де Сото, Э.Файг, К.Харт ва б.)

Мулкчилик институтига оид талқинларнинг туркумланиши

Ёндашув номи	Мулкчиликнинг асосий белгилари
1. Классик йўналиш	Даромад келтириш қобилияти мужассамланган капитал
2. Файласуфлар ва неоклассиклар	Ташқи дунё объектлар устидан назоратни уларни ўзлаштириб (эгаллаб) олиш асосида амалга ошириш
3. Диалектик усул тарафдорлари	Шахснинг табиатдан ҳам, ижтимоий ҳаёт жамоатчилигидан ҳам бегоналашишида ҳамда ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш воситасидан ажратишда намоён бўлувчи ижтимоий алоқаларни таркиблаш, мураккаблаштириш шакли
4. Немис тарихий мактаби	Ижтимоий ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойили ҳисобланган ахлоқ нормасида жамият томонидан олий ва муқаддас кадрият ҳамда индивид мустақилигининг кафолати сифатида тан олиш
5. Неоинституционал йўналиш	Турли шахслар ўртасида бир буюмда турли ҳуқуқларнинг намоён бўлиш имконияти буюмга қаршли ваколатлар йиғиндиси
6. Ҳуқуқшунослар	Шахснинг буюм устидан ҳуқумронлиги ва бошқа шахслар имкониятларини чеклаш
7. Социологлар	Иқтисодий бўйсундириш асосида ижтимоий иерархияни ўрнатиш усули
8. Эрнандо де Сото (Перу)	Қийматга айланишда иштирок этиш ва даромад келтириш қобилияти

Мулк шаклларининг ривожланиши



Жамоавий мулк – мулкчиликнинг энг дастлабки шакли.

Олий мулк – давлат мулкининг дастлабки шакли.

Табақали мулк – олдинги даврда асосий меҳнат шарти бўлган табиий ресурсларга табақали монополияларнинг шаклланиши билан тавсифланади.

Хусусий мулкчилик индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятидан ажралиб чиқишини ўзида намоён этади ва қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

- иқтисодий агентларнинг мустақиллиги;
- меҳнат шароитлари ва натижаларининг эркин айланиши;
- ҳокимият ҳуқуқларига нисбатан мулкий ҳуқуқларнинг етарлилиги;
- мулкдорнинг мулкий жавобгарлиги.

Корпоратив мулк. Кўплаб тадқиқотчилар корпоратив мулкни хусусий мулк билан тенглаштириб, корхонани ташкил этишнинг корпоратив шаклини мулкий мажмуани ишончли бошқариш шакли сифатида талқин этишни таклиф қиладилар.

Ижтимоий мулк. Ижтимоий мулк юридик ва жисмоний шахслар мулки билан бирга мавжуд бўлади. Жамият мулки, кўп ҳолатларда давлат томонидан бошқарилишига қарамай, унга тегишли эмас.

Мулкчилик муносабатлари

“мулқдор – мулк нархаси – бошқа шахс”

Мулкчилик муносабати – мулки бор ва мулки йўқ шахслар ўртсидаги муносабатлар.


Мулк ҳуқуқи белгиланиши иқтисодий муҳитнинг ноаниқликларини камайтиради.

Мулкчилик муносабатлари нафақат давлат томонидан қонунчилик ва суд қарори билан белгиланган (санкция берилган), балким у жамият томонидан ҳам берилган бўлиши мумкин.


Мулк ҳуқуқларининг инглиз ҳуқуқшуноси А.Оноре томонидан таклиф этилган (Оноре рўйхати) қуйидаги 11 та унсурни ўз ичига олган таърифи “тўлиқ” ҳисобланади:

1. эгалик қилиш, яъни ашё устидан мутлақ назорат қилиш ҳуқуқи;
2. фойдаланиш, яъни ашёдан шахсий фойдаланиш ҳуқуқи;
3. бошқариш, яъни ашё ким томонидан ва қандай фойдаланилиши мумкинлигини ҳал этиш ҳуқуқи;
4. даромад олиш, ашёдан аввалги шахсий фойдаланишдан ёки башқа шахсларга ундан фойдаланишга рухсат этишдан келиб чиқадиган неъматларни олиш ҳуқуқи (бошқача айтганда – ўзлаштириш ҳуқуқи);
5. ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиш, уни истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи “капитал қиймат” ҳуқуқи;
6. хавфсизлик ҳуқуқи, яъни экспроприацияга қарши иммунитет;
7. ашёнинг мерос бўйича ёки васиятнома бўйича ўтиши ҳуқуқи;
8. муддатсизлик;
9. зарарли фойдаланишни таъқиқлаш, яъни ашёдан ўзгалар учун зарарли усул билан фойдаланишдан ўзини тийиш;
10. ундириш кўринишидаги жавобгарлик, яъни ашёни қарзни тўлаш учун олиб қўйиш имконияти;
11. қолдиқ хусусият, яъни кимгадир ўтказилган ваколатларнинг уларнинг ўтказиш муддати тугагач ёки исталган бошқа сабабга кўра ушбу ўтказиш ўз кучини йўқотган ҳолларда, “табiiй” равишда қайтарилишини кутиш.

Ўзбекистонда мулкчилик шакллари таркибий тузилиши



Ўзбекистонда мулкдорлар ва уларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш



Ўзбекистонда мулкдорлар ва уларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш (давоми)

Мулкий
ҳуқуқни
амалга
ошириш
қоидалари

- мулкдор мулкдан қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин;
- мулкдор ўзига қаршли мол-мулкнинг мулкий ҳуқуқни фақат ўзи бошқа шахсларга беришга ҳақли;
- мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиш вазифаси юкланиши мумкин;
- мулкдор ўзига тегишли мулкий ҳуқуқни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузишга ҳақли;
- фуқаролар меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулкнинг қай шаклда эканлигидан қатъий назар мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга ҳилоф эгаллаб олинган мол-мулкни талаб қилиб, қайтариб олиш ҳуқуқига эга.
- мулкий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, жисмоний, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига путур етказмаслиги керак

Ўзбекистонда мулкдорлар ва уларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш (давоми)

Мулкий
ҳуқуқнинг
ҳимоя
қилиниши

- мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин;
- мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади;
- гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, мулкдан тўла хўжалик юритиш, уни оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки қонунда (шартномада) кўзда тутилган бошқа ҳолатларда, мол-мулкка эгалик қилувчи шахсга ҳам тааллуқлидир. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.
- мулкдорга қарашли мол-мулкни олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга фақат қонунчилигида белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқи тўхтатилиши натижасида етказилган зарар мулкдорга батамом тўланади.
- табиий офатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларда касалликнинг кенг ёйилиши ва фавқулодда рўй берадиган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимияти идораларининг қарорига биноан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкдордан белгиланган тартибда ва шартлар билан мажбурий тарзда олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин ва унга мулкнинг қиймати тўланади;
- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан мол-мулк мусодара қилиниши мумкин

Акциядорлик жамиятида мулкый ҳуқуқларнинг тақсимланиши

Мулкый ҳуқуқ турлари	Мулкый ҳуқуқ субъектлари			
	Акциядор, корхона ходими	Акциядорлар йиғилиши	Ижро этувчи орган, корхона дирекцияси	Давлат мулки қўмитаси
Эгалик қилиш ҳуқуқи	+		+	+
Фойдаланиш ҳуқуқи	+		+	+
Тасарруф этиш ҳуқуқи	+		+	+
Даромад олиш ҳуқуқи	+		+	+
Капитал қиймат ҳуқуқи		+		
Хавфсизлик ҳуқуқи			+	+
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	+			
Муддатсизлик ҳуқуқи	+			
Зарарли фойдаланишни таъқиқлаш ҳуқуқи				+
Ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	+	+		
Қолдиқ хусусияти ҳуқуқи		+		

Фермер хўжаликларида ерга бўлган мулкый ҳуқуқлар тақсимоти

Мулкый ҳуқуқ турлари	Фермер хўжалиги	Давлат
Эгалик қилиш ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Фойдаланиш ҳуқуқи	13 -м. ФХҚ, 53 -м. ЕК	-
Тасарруф этиш ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Даромад олиш ҳуқуқи	17-м. ФХҚ, 173 м. ФК	-
Капитал қиймат ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Хавфсизлик ҳуқуқи	17 -м. ФХҚ	-
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	13 , 21 -мм. ФХҚ	-
Муддатсизлик ҳуқуқи	-	10,16 -м. ЕК
Зарарли фойдаланишни таъқиқлаш ҳуқуқи	-	36 -м. ЕК, 173 -м. ФК
Ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	227 -м. ФК	16 -м. ЕК
Қолдиқ хусусияти ҳуқуқи	-	36 -м. ЕК

Ўзбекистонда

хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш

ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича

2012-2014 йилларда қабул қилинган қонунлар

1. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида;
2. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда);
3. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-тамоиллари тўғрисида;
4. Рақобат тўғрисида;
5. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида ва б.

Ўз Р Президентининг Фармони:

Хусусий мулк ,кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончла ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора тадбирлари тўғрисида” (2015-йил 15-май).

Ўзбекистонда хусусий мулк шаклидаги корхоналар

1. Акциядорлик жамиятлари (АЖ)
2. Маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ)
3. Қўшимча маъсулиятли жамият (ҚМЖ)
4. Қўшма корхоналар
5. Хусусий корхоналар
6. Оила тадбиркорлиги
7. Фермер хўжаликлари
8. Деҳқон хўжаликлари
9. Ширкат хўжалилари (яйлов чорвачилигида)

Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл капитали иштирокидаги корхоналар шакллари

1. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналар
2. Мол-мулки 100% чет эл компаниялари ва фуқороларига тегишли бўлган корхоналар
3. Акциялар пакетида чет эл инвестициялари бўлган хусусийлаштирилган корхоналар
4. Йирик хорижий трансмиллий компаниялар шўба корхоналари ва филиаллари
5. Инвестиция мажбурияти ҳисобига “ноль” қийматда хусусийлаштирилган хусусий корхона

Хусусий мулк ҳуқуқи

(“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни, 2012 й. 24 сентябрь, № 366)

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тарсарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш

1. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш бўйича институционал-ҳуқуқий база деярли бутунлай янгилиб, тубдан қайта кўриб чиқилди.
2. Тадбиркорликни давлат рўйхатига олиш, фаолият учун лицензия бериш ва ҳисобот топшириш бўйича жараёнлар кескин қисқартирилди, соддалаштирилди ва арзонлаштирилди.
3. Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат органларининг аралашуви кескин камайтирилди.
4. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқ тартибот ва назорат органлари билан ўзаро алоқаларида тадбиркорларнинг ҳуқуқий устуворлиги тамойили жорий этилди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш (давоми)

5. Тадбиркорлик соҳасидаги ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорлик яхшиланди.
6. Давлат корхоналари активларини хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш асосида хусусий секторнинг моддий-техника базаси кенгайтирилди. Бунда давлат назорати асосан алоҳида стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқаришлардагина сақлаб қолинди.
7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларидан фойдалана олишлиги ошди.
8. Давлат харидлари тизимида кичик бизнес субъектларини кенг қамровда жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
		2000	2010	2014	2015	2016
1. ЯИМ да хусусий мулк улуши,	%	72,6	79,6	82,0	82,9	81,3
шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	%	31	52,2	56,1 (34,8)	56,5 (35,0)	56,9 (35,2)
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сони *	минг	149,3	201,7	221,1	226,0	233,3
бандлар	минг киши	6679 (2005)	9253,4 (2301,5)	9897,5 (2317,2)	10178,9 (2228,5) (77,9)	10392,5 (2180,4) (78,1)
экспортдаги улуши	%	10,6	13,6	26	26,9	28,6
импортдаги улуши	%	27,4	36,6	45,3	44,5	46,7
Кичик бизнес хўжалик субъектларида банд бўлган бир ишчига ЯИМ ишлаб чиқариш	млн. сўм	15,3	19,1	21,7	26,9	24,9

Ўзбекистонда мулк шакллари бўйича рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сонининг ўзгариш динамикаси
(йил бошига, фермер хўжаликларисиз, минг)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2017й 2000 йилга нисбатан ўсиш, марта
	2000	2013	2014	2015	2017	
Жами шу жумладан:	178,3	301,6	295,7	296,3	308,4	1,73
фуқаролар хусусий мулки	75,5	102,0	95,7	90,5	78,4	1,04
акциядорлик жамиятлари	1,9	1,0	1,0	0,9	0,7	-0,63
чет эл фуқаролари ва ташкилотлари қўшма корхоналар	3,1	4,7	4,8	4,9	5,2	1,68
Бошқа нодавлат мулк шакиллари	79,2	154,5	154,7	160,6	185,6	2,34

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг турлари бўйича тақсимланиши


(1 январь ҳолатига; фермер хўжаликларисиз; минг)

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Жами	283,4	298,9	301,6	295,7	296,3	299,3	308,4
шу жумладан:							
кичик корхоналар	21,7	21,4	24,1	23,3	22,6	22,7	22,7
микрофирмалар	210,0	225,1	224,5	219,6	221,2	224,2	233,6
бошқалар	51,7	52,4	53,0	52,8	52,5	52,4	52,1

Иқтисодиётда чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг ривожланиш кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2010	2012	2014	2016
Жами қўшма корхоналар (бирликда)	4563	4667	4815	5008
шу жумладан, фаолият юритаётганлари	4201	4283	4474	4808
Қўшма корхоналарда:				
бандлар ишчилар сони (минг киши)	157,8	164,3	169,7	189,5
саноат ишлаб чиқариши (млрд. сўм)	11703,7	18700,5	23098,0	-
асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд.сўм)	3484,1	4637,2	5093,5	-
Шундан чет эл инвестициялари	2467,0	2781,4	2433,5	-
Фойда (млрд. сўм)	2735,8	2372,5	4766,0	-
Экспорт (млн.АҚШ долл.)	-	2619,9	2381,2	2203,4
Импорт (млн. АҚШ долл.)	-	5178,0	4649,0	4033,6

Биринчи инстанцияда кўрилган хўжалик ишлари динамикаси (дона)



Изоҳ: Қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга кўра, 2012 йил 25 декабрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган боқиманда қарздорликлар солиқ идоралари хужжатлари асосида ундирилиши тартиби жорий этилиши муносабати билан хўжалик судларида кўрилган ишлар сони ўтган йилга нисбатан камайган. 2012 йилда ушбу тоифадаги 217 120 та, 2013 йилда 107 003 та ишлар кўрилган.

Хўжалик судлари қарорларига асосан даъвогарлар фойдасига ундирилиши белгиланган маблағлар динамикаси (суммаси млрд.сўм ҳисобида)



Хусусий мулкчилик институционал механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўналишлари

- хусусий мулкчилик фаолияти ва хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш институтларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- шартномалар тузиш ва уларни бажарилишини назорат қилиш нормаларини такомиллаштириш;
- трансакция харажатларини пасайтириш нормаларини жорий қилиш.

*Эътиборингиз учун
рахмат!*